

А Ж Р И М

2025 йил январь ойининг 16-куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, ўз биносида, судья ЭЭЭнинг раислигида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ТТТга оид 1-1009-2503/80-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, ТТТ 2024 йил 2 сентябрь куни соат 14:20 ларда, бошқарувидаги давлат рақами ХХХ бўлган Нексия-2 русумли автомобилни, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси бўйлаб, Нукус кўчаси томондан 8-март кўчаси томонга бошқариб бориб, ушбу кўчада жойлашган жойлашган Фарғона йўли ва Фарғона йўли 1-тор кўчалари кесишган чорраҳага яқинлашган вақтида, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди 1-қисм, 53-банди, 77-банди 3-қисмида яъни, “йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак”, “ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларга риоя қилмасдан, йўналишини ўнг томонга ўзгартириб ҳаракатланганлиги натижасида ўз йўналишида тўғрига ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи РРР бошқарувидаги скутерга йўл бермасдан унинг ҳаракатига хавф туғдириб ҳаркатланиб, тўқнашув содир қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2024 йил 12 сентябрдаги 6423-Х-Хуж сонли хулосасига кўра, РРРда “чап сон суягини бўйинчаси базал қисмидан ва катта кўстини ёпиқ синиб суяк бўлақларини қониқарли туриши, чап қўл елка ва биллак соҳаси шилинмалари” каби аниқланиб, ушбу тан жароҳатлар оғир даражадаги тан жароҳатлари тоифасига кириш кўрсатилган.

Гумонланувчи ТТТга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.



Бироқ, иш бўйича жабрланувчи РРР жиноят ишида қайд этилган телефон рақами ишламаганлиги, ҳозирда қаерда эканлиги номаълумлиги уни суд мажлисига чақиришнинг ва ундан ярашувнинг ихтиёрийлиги, тазйиқ бўлган-бўлмаганлиги, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалалар аниқлик киритишнинг имкони бўлмади, шунингдек, гумонланувчи ТТТ тегишли тартибда ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида орқали хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмади.

Бундан ташқари, иш ҳужжатидаги “Томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини судга юбориш тўғрисида”ги қарорнинг “Қарор қилдим” қисмидаги гумонланувчининг шахси ТТТ деб кўрсатилиши ўрнига ГТГ деб кўрсатилиб хатоликка йўл қўйилган.

Суд, юқоридагиларга асосан ҳамда ЖПКнинг 584-моддасида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади деб белгиланганлиги ва суд муҳокамаси муддати ўтиб бораётганлиги сабабли гумонланувчи ТТТга оид жиноят ишини умумий қоидалар бўйича суриштирув юритилиши учун Яшнобод туман прокурорига юборишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан суд, ҳолат юзасидан тарафлар фикрини тинглаб, гумонланувчи ТТТга оид жиноят ишини умумий қоидалар бўйича суриштирув юритилиши учун Яшнобод туман прокурорига юборишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси ва ЖПК 585, 586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланувчи ТТТга оид жиноят иши умумий қоидалар бўйича суриштирув амалга ошириш учун Яшнобод туман прокурорига юборилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида, шу суд орқали Тошкент шаҳар судига гумонланувчи ва жабрланувчи томонидан хусусий шикоят, прокурор томонидан хусусий протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

ЭЭЭ

Аслига тўғри:

